# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашида

(Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Раиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, Олий Мажлис Депутатларига йўриқнома хати юборилди. Унга биноан барча даражадаги мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, амалдаги қонунларнинг моҳиятини, барча фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши аҳамиятини тушунтириш юзасидан катта иш олиб бордилар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари сайлов кампаниясини ўтказишга масъулият билан ёндашиб, барча ташкилий масалаларни ҳал қилдилар.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида сайлов фуқароларнинг юксак ижтимоий-сиёсий фаоллиги остида ўтди. Сайловда 11 миллионга яқин киши, ёки мамлакатимиздаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг қарийб 85 фоизи қатнашди. Бу кўрсаткич айниқса, Бухоро, Наманган, Тошкент вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида юқоридир.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларнинг) ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокамаси қизғин ва мунозарали ўтди. Йиғилишларда жами 100 мингдан ортиқ киши сўзга чиқди.

Ушбу сайловда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, талабчанлиги ошганлиги ва уларнинг ўз ҳудудларидаги мавжуд муаммоларга бефарқ эмасликлари намоён бўлди. 48 та йиғинда кўрсатилган номзодлардан биронтаси ҳам сайланмаганлиги ва бу йиғинларда қайта сайлов ўтказишга тўғри келганлиги, 72 йиғинда йиғин раҳбарларининг ўтган давр мобайнида иши қониқарсиз деб топилганлиги ва мазкур йиғин раисларига ишончсизлик билдирилиб, бошқа раис сайланганлиги (Самарқанд вилоятида - 25, Тошкент вилоятида - 19 ва Тошкент шаҳрида - 13 киши) бунинг яққол мисолидир.

Сайлов натижасида фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланди. Умуман олганда сайланган 7845 нафар йиғин раисларининг жамоатчилик комиссиялари томонидан тавсия этилган 18765 нафар номзод орасидан танлаб олиниши фуқароларга йиғин раҳбарлигига энг муносиб кишиларни сайлаш имконини берди.

Фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг маълумот даражаси сезиларли ошди. Сайлов компанияси республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис котибияти назорат, ахборот бўлими мудири А.Зияевнинг ҳам шу борадаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова сайловлар жараёнида хотин-қизлар номзодлари иштироки масалалари, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов бу жараёнда Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг тутган ўрни, бўлиб ўтган сайловлар аввалги сайловларга нисбатан анча ижобий ўзгаришга бой бўлганлиги, шу билан бир қаторда бу борада келажакда сабақ бўладиган, ҳатто шу кунларда қайта сайлов ўтказиш даражасигача бўлган чора-тадбирлар кўрилиши лозим бўлган баъзи бир хато ва камчиликлар ҳақида тўхталдилар.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Қўмита раислари Эркин Воҳидов, Искандар Қаландаровлар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини айтишди.

Кенгаш йиғилишида Олий Мажлис раиси Э.Ҳ.Халилов мазкур сайловлар якунлари натижалари таҳлили ва шу тизим фаолиятига оид келажак вазифалар хусусида маъруза қилди.

Олий Мажлис Кенгаши шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

# ОҚСОҚОЛЛАРИМИЗ ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОЛИШЯПТИ

(Боши 1-бетда)

- Республикамиз вилоятлари Жиззах вилоятида бошланган ташаббус - «Маҳаллалар куни»ни ўтказилаётганидан бохабар. Мумкин бўлса ана шу тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

- Дарҳақиқат вилоятимизнинг Мирзачўл ҳамда Дўстлик туманларида ўтказилган мазкур тадбирларда туман меҳнаткашларнинг вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, Республикамиз пойтахтидан келган ёзувчи ва шоирлар, турли нодавлат ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Бу тантаналар маҳаллаларда янги қурилган гузарларнинг очилишига уланиб кетди. Эндиликда барча қулайликларга эга бўлган ана шундай маҳалла гузарлари маҳалладошларнинг севимли гўшасига айланиб қолди. Энг асосийси, одамларда бир-бирларига бўлган яқинлик, биродарлик туйғулари, биргаликда, ҳамкорликда яшаш кўникмалари янада камол топиб бормоқда.

**- Мустақил Республикамиз аҳолисининг тенг ярмини ёшлар ташкил қилади. Бундай ҳол тарбия муассасалари, жумладан, маҳаллаларга ҳам катта маъсулият юклайди, албатта. Сиз раҳбарлик қилаётган кенгашнинг, жамғарманинг бу соҳадаги фаолияти қандай?**

- Ҳозирги кунда маҳаллаларда «Балоғат ёшига етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси», «Тарбияси қийин болалар билан ишлаш жамоатчилик кенгаш»лари иш олиб бормоқда. Мазкур кенгашларга вилоятимиздаги 93 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари бошчилик қилмоқдалар.

Жорий йилда «Наврўз» байрами муносабати билан 30 нафар кишига 65 минг сўмлик, «Халқаро болалар куни» муносабати билан 15 нафар болага 36 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тортиқ этилди.

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 32-ногирон болалар интернатига 95 минг сўмлик телевизор ҳамда кийим-кечаклар совға қилинди.

Янги йил байрамида 20 нафар болага 40 минг сўмлик Президент совғаси топширилди. Шунингдек, баъзи, ёрдамга муҳтож касалманд кишиларнинг соғлиқларини тиклаб олишларига ва билим олишларига ҳомийлик қилиб келинмоқда. Жумладан, Зомин туманида яшовчи Азиз Оқиловнинг юрагини операция қилиш учун 150 минг сўм, шунингдек, шартнома асосида ўқиётган, ёшларга 129 минг сўмлик моддий кўмак берилди.

Ўтган йили «Халқ банки»нинг вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Халқ манфаатлари» пул-буюм лотореясини ўтказдик. Ушбу тадбирдан жамғармамиз 9 млн 100 минг сўмлик фойда кўрди. Шунингдек, «Наврўз» байрами муносабати билан ташкилланган шанбаликдан ҳам жамғармамиз ҳисоб рақамига 7 ярим млн сўмга яқин маблағ келиб тушди.

**- Жиноятчиликнинг олдини олиш, осойишталикни сақлашда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликни кучайтириш зарур деган фикрлар билдирилмоқда. Бу ҳақда нима дейсиз?**

- Авваллари ҳам участка нозири бўларди. Аммо унинг ёлғиз ўзи қийналарди. Эндиликда эса ҳар бир маҳаллада посбонлар гуруҳи ташкил этилган. Жумладан бизнинг вилоятимизнинг ўзида 127 нафар посбонлар сардорига маош белгиланган. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги маҳалла посбонлари учун махсус уст-бош тиктирилди. Муҳими уларни рағбатлантириш учун хўжаликлардан ер ажратилди. Айримлари эса, ер солиғидан озод этилди.

**- Уч йил муқаддам тўй ва маъракаларни тартибга солиш тўғрисида муҳим Фармон чиққан эди. Уларнинг ижроси таъминланаяптими?**

- Мазкур Фармондан сўнг, тўй комиссиялари тузилди. Жойларда йиғилишлар ўтказилиб, нуроний отахон ва онахонларнинг кўмаклари асосида бир мунча ишлар қилинди. Масалан, Жиззах шаҳрида никоҳ тўйларининг кеч киргандан сўнг ўтказилишига барҳам берилди. Шунингдек, маъракаларни ҳам имкон қадар ихчамлаштиришга эришилди.

**- Одатда маҳалла оқсоқоли деганда кўпни кўрган обрўли, кайвоний кишилар тушуниларди. Эндиликда баъзи маҳалла оқсоқоллари ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотмай туриб, ушбу мартабага эришмоқдалар. Сиз бу ҳолга қандай қарайсиз?**

- Бу саволингизга амалдаги ҳолатни таҳлил этиш орқали жавоб берсам. Маълумки, шу йилнинг май-июн ойларида ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказилди. Унда бўлажак оқсоқолларни ана шундай хислатларга эга бўлишларига эътибор қаратилди. Шунга кўра Жиззах шаҳар Олмазор маҳалла фуқоролар йиғинига «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ғани Обидов, Жиззахлик маҳалласига 2000 йилнинг «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» вилоят кўрик- танловининг ғолиби Маматқул Орифжонов, Раваллик фуқоролар йиғинига «Энг намунали тадбиркор маҳалла оқсоқоли» танловининг ғолиби Абдусаттор Абдулатиповлар сайланишди. Вилоятимизда бундай ҳурматли оқсоқолларнинг сафи кўп. Энг муҳими ўтган сайловларда мавжуд 259 нафар оқсоқолнинг барчаси юқоридаги талабларга жавоб бера олгани боис халқ томонидан қайта сайланишди.



**Шавкат ЁҚУБОВ**
**суҳбатлашди.**

## ◆ ТУРФА ОЛАМ

### ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Ўша куни Тамбовдаги 53 мактабнинг синф хоналаридан бирини жиддий эркак ва аёллар тўлдиришган эди. Область бошқарув органларида турли лавозимларда ишловчи бу ходимлар рус тилидан диктант ёзишга чақирилишган эдилар.

Ўқитувчи Галина Скварцова газетага босилган унча осон бўлмаган публицистик мақолани диктант учун танлаб олган бўлиб матн орфографик ва синтаксис жиҳатдан анча мураккаб эдики бу амалдорларни бироз тер тўкишга мажбур қилди. Ёзма ишни ёзиб бўлган мансабдорлар иш жойларига тарқалишмай худди мактаб болаларидек, диктантнинг натижасини кутиб туришди. Натижа ҳар ҳолда ёмон бўлмади, келганларнинг деярли ҳаммаси синовдан ўтишди. Мазкур шаҳарда ўтказилган бу тадбирни вақти-вақти билан бошқа жойларда турли лавозимдаги мансабдорлар ўртасида ўтказилиб турилса фойдадан холи бўлмасди.

### ТЎРТ ОЁҚЛИЛАР ОРТИРАЁТГАН ТАШВИШ

Кейинги вақтларда Бухарест кўчаларида қаровсиз итларнинг кўпайиб кетганлиги жиддий хавф туғдирмоқда. Маъмурларнинг маълумот беришича 1,5 млн ахолиси бор бўлган мазкур шаҳарда айни пайтда 200 мингга яқин дайди итлар яшаётгани аниқланган. Энг ёмони 20 мингга яқин кишини ит қопган. Бу ҳол шаҳар маъмуриятини кескин чоралар кўришга мажбур қилмоқда. Бухарест Мэри Бэсеску таклиф этган дастурга мувофиқ тўрт оёқлиларнинг бир қисми йўқ қилиниши, қолган юз мингга яқини махсус текширишдан ўтказиб уларни эмлаш, дезинфекция қилиш лозимлиги кўрсатилган. Шундан кейингина ит боқишни истаганлар шу марказдан ариза бериб ўзлари хоҳлаган итни олишлари мумкин. Бу ишни масъулиятли томони ҳам бор. Яъни сиз олган ит мабодо бир кишини тасодифан тишлаб олса, унда сиз шу одамни даволаш учун кетадиган бутун сарф ҳаражатни ўз бўйнингизга олишингизга тўғри келади.

### ҚАРИНДОШЛАР СЕЗГИР БЎЛМАГАЧ

58 яшарлик Никарагоа фуқароси Сезар Агипьеранинг орасида пайдо бўлиб қолгани барчани дафн қилиш маросимида марҳум маросим қатнашчиларини ҳайратга солди. «Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, у жасадни қабрга қўйиш палласида «тирилган»... Аслида воқеа бундай бўлган эди. Сезар уйидан иш билан чиқиб кетган ва бир неча кун ундан дарак бўлмаган. Бу ҳол табиийки, оила аъзолари ва қариндош-уруғларини ҳавотирга солган. Улар уни излай бошлашган. Натижада машина уриб кетган жасадни топишган ва уни Сезарники деб ўйлашган. Ҳамма нарса ойдинлашгач, Агильера «майитни» ўликхонага қайтаришда яқинларига ёрдамлашган.

### ЕТИМЛАР СУЮНАДИГАН БЎЛИШДИ

Эстониялик фақирларнинг куни туғиладиган бўлди. Улар «доимий» совғага мушарраф бўлишди.

Республика адлия вазирлиги божхонада мусодара қилинган кийим-кечак ва пойафзалларни ёқиб юбориш эмас бундан буён уларни етимхона, қамоқхонадагиларга ва бошқа муҳтож кишиларга бериш лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди. Вазирлик фойдали айни чоғда ибратли қарор қабул қилган кўринади.

### УЛКАН ОМЛЕТ

Ғарбий Германияга қарашли Баден-Бадендаги катта магистрал йўлда қатновчи ҳайдовчилар мана шу йўлда «тайёрланган» олтинни кўриб ёқа ушлашди. Чунки шу йўлдан келаётган икки тройлернинг тўқнашиб кетиши бунга сабабчи эди. Маълум бўлишича, машиналарнинг бирига қурилиш моллари ортилган бўлиб, иккинчисига 10 тонна тухум юкланган экан. 200000 минг дона тухумдан «ясалган» бу қуймоқни тозалаш учун йўл тозаловчилар тўрт соат овора бўлишди.



Пишиқчилик яхши-да...

# «ОНА НИГОҲИ - ИЛҲОМ БЕШИГИ»

**Яқинда пойтахтимизнинг Бектемир тумани маданият саройида 2001 йил - «Она ва болалар йили»га бағишланган «Она нигоҳи - илҳом бешиги» кўрик танлови бўлиб ўтди.**

**Танлов иштирокчилари томонидан ижро этилган, аёлларнинг оилада, бола тарбияси ва жамиятда тутган ўрни мавзуларидаги турли хил саҳна кўринишлари намойиш этилди. Дилором Ниёзова, Гулчеҳра Шариповалар ўз маҳоратлари билан йиғилганларнинг эътиборини қозондилар.**

**Нигора УМАРОВА.**

# «КАВСАР» ОҚЛОНДАН ЧИҚДИ

***Тошкентнинг Оқлон маҳалласидаги уч ўртоқ Абдулло, Бахтиёр ва Ҳуснитдинлар ўзаро маслаҳатлашиб эзгу ишга қўл урдилар. Улар кўп изланишлар олиб бориб, ниҳоят ўзлари яшайдиган маҳалланинг пастлик еридан экологик тоза ичимлик суви топдилар. Бу ишга Германия технологияси жалб этилди. Шундан сўнг, экалогик тоза, мазали, шунингдек, жаҳон андозаларига мос булоқ суви 1,5 литрлик идишларда қадоқлана бошланди. Унга «КАВСАР» деб ном берилди.***

**Сувнинг таърифига келсак, уни ер қаридан 350-400 метр чуқурликдан махсус асбоб-ускуналар ёрдамида олинади. Олинган сув қайта ишланади. Дунё стандарти бўйича азон билан тозаланади ва уч марта нозик филтирланишлардан ўтказилади. Ундаги минерал тузларнинг нисбатан камлиги, бу эса истеъмолчи баданидаги ортиқча ёт нарсаларга қарши муҳим шифобахш восита эканини алоҳида таъкидлаш мумкин.**

**Айни пайтда мазкур ичимлик Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги сертификати билан истеъмолга чиқарилмоқда.**

**Туроб ҲАСАНОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани.**



Нима қилсам экан-а?!

# ТАДБИР УЮШТИРИЛДИ

**Хатирчи тумани ҳокимлиги ташаббуси билан фуқароларнинг сиёсий, маънавий онгини такомиллаштириш мақсадида «Диний экстримизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш чоралари» мавзуида тадбир уюштирилди.**

**Бунга туман Оқсоқоллар кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, Нуроний жамғармаси, Халқ таълими бўлими, ижтимоий кўникма, маънавият ва маърифат марказлари ҳам жалб этилди.**

**Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад туман ҳудудида соғлом турмуш тарзини шакллантириш , фуқороларнинг осуда ҳаёт кечиришини таъминлашдир.**

**Ҳ.ҲОШИМОВ.**

## ◆ МАҲАЛЛАМ НОМИ

# БОЛҚУДУҒИМ - ЖОНҚУДУҒИМ!

***Ривоятларга кўра, қишлоғимиздаги қудуқдан олдин сут, кейин сув чиққан экан.***

Эшон бобо оти айланган жой халқ чанқоғини босди, кейин эса тарих саҳифасида афсонавий сабоқ ўрнини ўтамоқда.

Ватан остонадан бошланади. Шунданми, қуш ҳам инига талпинади.

Таътил вақтлари уйга борганимда улғайтириб вояга етказган қишлоғим кўзимга тўтиёдек кўринади. Йўл ёқасидаги маҳалла номини билдирувчи қудуқни кўрибоқ, унутилмас тарих хотирамда жонланади. Мана неча йиллардан буёнки маҳалла ушбу қудуқ номи билан яъни Болқудуқ деб аталиб келинмоқда.

Бу қудуқ кўзи очилмасидан илгари қишлоқ аҳли 17 чақирим наридаги қўшни Қизилча қишлоғидан сув ташиб кун кўрган.

Барча бу қудуқни муқаддас санайди. Оллоҳ назари тушган жой деб қадрлайди. Ҳатто бу қудуқнинг пайдо бўлиши тарихи ҳақида ривоят ҳам тўқилган. Айтишларича, маҳаллага бир эшон бобо келади. Маҳалла кишилари эшон бобога қудуқ кавламоқ ниятлари борлигини билдириб, сув бор жойни кўрсатишни илтимос қилади. Шунда эшон бобо отни жиловидан ушлаб етаклайди. От бир ерга келганда турган жойида айланиб юрмай қолади. Эшон бобо маҳалла аҳлига от тўхтаган жойни кўрсатиб, шу жойни кавласангизлар болдек қудуқ чиқади, дейди. Шундан сўнг қудуққа ҳам, маҳаллага ҳам Болқудуқ номи берилган экан. Болқудуқ бу ширин сувли қудуқ деганидир. Айтишларича, қудуқдан чиққан сув оғзи баробар бўлган экан. Баъзи ривоятларга кўра, қудуқдан олдин сут, кейин сув чиққан экан. Бу ривоятга назар ташласак, чўпчакка ўхшаб туюлади. Юрагимиз қатида Оллоҳга бўлган ишонч билан ушбу ривоятни мушоҳада қилсак, афсона эмас, балки ҳақиқат эканини тушуниб етамиз. Маҳалла аҳли бир пайтлари дардига малҳам бўлган қудуқни, гарчи ҳозирда суви тортилиб кетган бўлса ҳам ўз ўтмишидан хотира сифатида қадрлаб келмоқдалар. Маҳалла қарияларининг айтишича Болқудуқ туфайли ташналик дардига малҳам топган дамларида ўзларича жонлик йиғиштириб қудуқ сувидан кенг кўламда фойдаланмоқчи бўлиб, уни таъминламоқчи бўлади. Бири қўй, бири эчки, бири бузоқ беради. Шунда бир киши мен эшак берамаи, деган экан. Шу дамдан бошлаб қудуқ суви пастга тортилиб кетибди.

Бу эса ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайдиган бефаросат инсоннинг калтафаҳмлиги туфайли халқнинг турмуш тарзи бузилганлигидан далолат беради. Бироқ ҳозир ҳам Болқудуқ ўзининг жонсиз салобати билан турмуш тимсоли бўлиб маҳалла тарихига кўрк бериб турибди.

**Рустам ЗОИРОВ.**

## ◆ ИБРАТ

# ТАШАББУС МАҲАЛЛАДАН ЧИҚИШИ КЕРАК

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Ф.Хўжаев номли маҳалласида «Медиа Ресурс маркази - Тошкент» нодавлат ташкилоти ҳамда Фуқаролик жамоаларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида аҳолининг муаммо ва эҳтиёжларини аниқлаш тадбири бўлиб ўтди. Бу тадбир Американинг Каунтерпарт Консорциум ташкилотининг маҳаллалар ташаббусини қувватлаш дастури асосида олиб борилди. Анжуманга Ф.Хўжаев номли маҳалланинг қарийб 50 нафарга яқин аҳолиси таклиф этилди. Улар орасида оқсоқоллар, ўрта ёшлилар ҳамда ёш ўсмирлар бўлганлиги учун аҳолини уч гуруҳга ажратиб, эҳтиёжларни аниқлашга киришилди. Бунинг учун жаҳонда машҳур бўлган аҳоли муаммоларини ўрганиш PRA усулидан унумли фойдаланилди. Дастлаб маҳалла аҳли ўзи яшаётган маконнинг ҳудудий харитасини доскага чиздилар. Қайси ҳудуд ва иншоотларда қандай муаммолар борлигини белгиладилар. Кейинги навбатда эса PRA усулларидан бири бўлмиш «Муаммоларни қартага қайд этиш»дан фойдаланилди. Муҳими, шундаки, бу ишлар асосан маҳалла аҳлининг ўз кучи ва билимига таяниб амалга оширилди. «Медиа Ресурс маркази»нинг вакиллари Сергей Воронин, Елена Мячкова ҳамда Фуқаролик жамоаларини қўллаб-қувватлаш марказининг вакили Маҳмуджон Абдужабборий эса фақатгина йўналиш ва тушунтиришлар бериб боришди.

Одатда, бундай тадбирларга бефойда ўйин-машғулот деб қарайдиган оқсоқолларнинг ҳам муаммоларни аниқлашда фаол қатнашганлиги кишини ҳайратлантирди. Улар PRA усуллари охиригача қўлланиб бўлгунча машғулотларга қатнашиб, фаол иштирок этдилар.

Эҳтиёжларни аниқлаш тадбири тугаганидан кейин етакчиларнинг қўлида асосий муаммолар қайд этилган ўнлаб қарталар пайдо бўлди. Аҳоли ўзига тегишли бўлган муаммолар орасидан энг муҳимларини ажратиб олди, қолаверса уларни ҳал этиш йўл-йўриқларини тахминан чамалай билди. Албатта, «Медиа Ресурс маркази» Каунтерпарт Консорциум ҳамкорлигида бу муаммоларни ҳал этишга озми-кўпми ҳисса қўшади. Лекин асосий куч ва ташаббус маҳалладошларнинг ўзидан кутилиши тадбирнинг асосий мағзидир.

**Нодир АЛИМОВ.**

## ◆ ТАШАББУС ВА ТААССУФ

# ЯШИЛ МАЙДОН ТАШҚАРИСИДАГИ «ЎЙИНЛАР»

***Яхши ниятлар билан ташкил қилинган турнир қатнашчиларига ғирромлик ва номардлик ярашмайди.***

13 июнь куни Янгийўлда маҳалла ёшлари «Футболимиз келажаги» турнирининг вилоят биринчилигини қўлга киритиш учун ўйинлар бўлиб ўтди. Бу ўйинларда ўз гуруҳида биринчи ўринни қўлга киритган маҳалла жамоалари қатнашишди. Бу баҳсда ёш футболчилар билан жамоа мураббийлари ҳам ўзаро «куч синашишди».

Биз бу ерда техник натижалари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Болалар билан мураббийлар ҳам «куч синашишди» деганимиз ҳам бекорга эмас.

Тошкент вилоятининг футбол келажаги қай аҳволда? Бу саволга озми-кўпми бугунги турнир натижалари жавоб бериши мумкин. Белгиланган вақтдан ярим соат ўтганда, яъни 9.30 да бор йўғи 6 та жамоа етиб келди. Янгийўл шаҳар спорт қўмитаси, вилоят футбол федерациясидан вакиллар умуман кўринмадилар. Фақат «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси муовини Шарифа Раҳматуллаеванинг келганлиги турнирга озгина бўлса-да расмийлик тусини бериб турди.

Яхшиямки ўзининг турнир бош ҳакамси эканлигини озгина олдин эшитган шу ўйингоҳ мураббийси Виталий Деветовнинг ҳаракатлари билан олти жамоа учтадан икки гуруҳга бўлиндилар ва ўйинларни бошлаб юборишди.

Гуруҳлардаги биринчи ўйинда Зангиота тумани жамоаси қибрайликларни, Янгийўл жамоаси чирчиқликларни мағлубиятга учратишди. Иккита ўйиндан кейин бошқа жамоалар ҳам етиб келишди.

Шундан сўнг аста-секин яшил майдон ташқарисидаги «ўйинлар» ҳам авж ола бошлади. Биринчи ўйинда мағлубиятга учраган чирчиқ шаҳри жамоа мураббийси ва вакиллари Янгийўл жамоаси хужжатларидаги баъзи ноаниқликларни рўкач қилиб, уларни ўйиндан четлаштиришни талаб қилишди ва бунга эришишди ҳам.

Иккинчи ўйинда Зангиота жамоасидан 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган оққўрғонликлар Зангиота жамоасида икки ёши катта ўйинчилар иштирок этаётганлигини айтишиб норозилик билдирди. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар текшириб кўрилганда, ҳақиқатан бир ўйинчининг ёши белгилангандан 1,5 (бир ярим) ой катталиги аниқланди. Қарши норозиликдан сўнг Оққўрғон жамоаси бир ўйинчисининг хужжатларида ноаниқликлар юзага чиқди.

Учрашув бош ҳакамси Деветовнинг бу норозиликларни текшириб, аниқ ва тўғри хулоса чиқаришга вақти бўлгани йўқ. Чунки у шу куни ёрдамчи ҳакамларсиз 8 та ўйинга майдонда ҳакамлик қилишга тўғри келди.

Юқорида айтиб ўтилган норозиликлар ёзма равишда берилмаган, фақат томонлар ўртасида аниқлаш учун оғзаки айтилган эди.

Наҳотки, футбол мутасаддилари яхши ниятлар билан ташкил қилинган турнир қатнашчиларига ғирромлик ва номардликни раво кўришса?

Ҳатто баъзи бир мураббийлар шу даражага етиб боришдики, ўз ўйинчиларидан пенальти олиш учун рақиб жарима майдончасида айёрлик билан йиқилишни ва қўрқитиш учун оёғига тепиш каби «ҳунарларни» кўрсатишни талаб қилишарди.

Ёшлигидан ўз мураббийларидан шундай ўгит олган болаларимиз келгусида қандай одам бўлиб етишадилар.

Ахир Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси футболимиз, болаларимиз келажаги учун йўқ жойдан тадбир ўйлаб, уни оммалаштириш учун ҳаракат қилса, буни жойларда қўллаб-қувватлаш ўрнига бундай кўнгилсиз ҳолатларни юзага келтиришни қандай тушунмоқ керак.

**Эркин УМАРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

